



SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 1, ISSUE 1

APRIL 2020

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

VOLUME #1 ISSUE #1

Executive Secretary

Tusmatova Nozima Inomovna

Editorial board

Z.Yaxshieva

Jizzakh state pedagogical institute, doctor of chemical sciences

B.Qushimov

Kokand branch of tashkent state technical university, doctor of technical sciences

Sh.Akramova

Military-technical institute of the national guard, doctor of pedagogical sciences

B.Sultonov

Tashkent pharmaceutical institute, doctor of technical sciences

A.Sidiqov

Tashkent institute of chemical technology, doctor of chemical sciences

B.Kucharov

Institute of general and inorganic chemistry of the academy of sciences, doctor of technical sciences

I.Eshmetov

Institute of general and inorganic chemistry of the academy of sciences, doctor of technical sciences

M.Abdullaev

Andijan state university, doctor of historical sciences

N.Jiyanova

Tashkent financial institute, candidate of economic sciences

X.Qobulov

Tashkent financial institute, candidate of economic sciences

U.Akbarov

Kokand state pedagogical institute, candidate of physical and mathematical sciences

A.Nabiev

Tashkent institute of chemical technology, PhD in technical sciences

M.Voxidova

Tashkent state institute of oriental studies, PhD in economics

Масъул котиб

Тусматова Нозима Иномовна

Тахририят

З.Яхшиева

Жиззах давлат педагогика институти, кимё фанлари доктори

Б.Кушимов

Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали, техника фанлари доктори

Ш.Акрамова

Миллий гвардия ҳарбий-техник институти, педагогика фанлари доктори

Б.Султонов

Тошкент фармацевтика институти, техника фанлари доктори

А.Сидиков

Тошкент кимё-технология институти, кимё фанлари доктори

Б.Кучаров

Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, техника фанлари доктори

И.Эшметов

Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, техника фанлари доктори

М.Абдуллаев

Андижон давлат университети, тарих фанлари доктори

Н.Жиянова

Тошкент молия институти, иқтисод фанлари номзоди

Х.Қобулов

Тошкент молия институти, иқтисод фанлари номзоди

У.Акбаров

Қўқон давлат педагогика институти, физика-математика фанлари номзоди

А.Набиев

Тошкент кимё технология институти, техника фанлари PhD

М.Вохидова

Тошкент давлат шарқшунослик институти, иқтисодиёт фанлари PhD

SAHNALASHTIRISH FAOLIYATI VOSITASIDA BOLALARDA IJODIY
QOBILIYATLARNI RIVOJLANTIRISH

88	М.Кўзибоева ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ	537
89	Raimova Dilfuza Mahammatsolievna MUSIQA MADANIYATI DARSLARIDA O'QUVCHILARGA O'ZBEK XALQ IJODIYOTINING TARIXIY TARAQQIYOTINI SINGDIRIB BORISH	542
90	Яхшиева Мехринигор, Султонов Бахтиёр, Каюмов Шохрух РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ В ПРОГРАММИРОВАНИЯ УПРАЖНЕНИЙ АЭРОБИКИ	551
91	Моминова Хижран Элдаровна РОЛЬ АРТ - ТЕРАПИИ В РАБОТЕ ПСИХОЛОГА ДОШКОЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ	557
92	Б.Хусанов ЭСТЕТИК ТАРБИЯ КЛАСТЕРИНИНГ ТАЪЛИМИЙ АСОСЛАРИ	561

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ КЛАСТЕРИНИНГ ТАЪЛИМИЙ АСОСЛАРИ

Б.Хусанов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Аннотация: мақолада таълимнинг тарбия билан узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда эстетик тарбия кластерининг аҳамияти ва заруриятига доир фикр-мулоҳазалар баён этилган. Эстетик тарбия кластерининг ижтимоий-маънавий заруриятга айланиши ва унинг таълим сифат самарадорлигига таъсири масалалари ўрганилган. Кластер тизими асосида тарбиянинг эстетик шаклини ривожлантириш орқали талабаларнинг дидини юксалтиришга, бадиий ижод жараёни ва санъатга муносабатини мақсадли йўналтириш орқали эришилган натижалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эстетика, тарбия, кластер, таълим, дунёқараш.

EDUCATIONAL BASES OF AESTHETIC UPBRINGING CLUSTER

B.Xusanov

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

Abstract: The article discusses the importance and necessity of the cluster of aesthetic education in ensuring the continuity and continuity of education with education. The issues of the transformation of the aesthetic education cluster into a socio-spiritual necessity and its impact on the quality and effectiveness of education are studied. Based on the cluster system, the results achieved by improving the taste of students through the development of the aesthetic form of education, the process of artistic creation and the targeted orientation of their attitude to art are analyzed.

Keywords: aesthetics, upbringing, cluster, education, worldview.

Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланади. Таълимда узвийликни, тарбияда узлуксизликни таъминлаш ҳозир ҳам тактик ва стратегик мақсад бўлиб қолмоқда. Бу жараён "Илмий - Ижодий - Маънавий муҳит барқарорлиги" тамойили устувор бўлгандагина самарали натижа бериши мумкин. Шундай экан, педагогик таълимга нисбатан дунёқараш ва ёндашувни ўзгартириш, унинг асосларини янгича қараш ва мазмун билан бойитиш мақсадга мувофиқ. Бу вазифанинг муайян қисмини эстетик тарбия кластери орқали амалга ошириш мумкин.

Педагогик технологияда кластер пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан таълим олувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади. [1]. Биз назарда тутаётган эстетик тарбия кластери аниқ мақсад асосида ўқувчи (талаба)га эстетик омиллар билан таъсир кўрсатиб, ўқувчи (талаба)ни ўз-ўзини тарбиялашни тартибга солувчи ва йўналтирувчи ижтимоий тизимдир. Яъни, эстетик тарбия кластери тарбиянинг ўзига хос тизими сифатида ўқувчи (талаба)нинг ўз "мени"ни ўзгартиришга қаратилган фаолияти бўлиб, у тарбиялаш ва қайта тарбиялаш орқали камчиликларни тузатиш ва бартараф этишга кўмаклашади.

Ҳозирги даврда эстетик тарбия кластерининг ижтимоий-маънавий заруриятга айланишини куйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин:

1) Глобаллашув даври инсоннинг фаолиятини мақсадли йўналтиришда эстетик тарбияга "яқин ва ишончли шерик" сифатида баҳо бермоқда. Айниқса, узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш таълимнинг ижтимоийлашувига, айниқса, таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилишга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги кузатилмоқда. Чунки, бугунги кунга келиб эстетика фанининг тадқиқот соҳаси шу қадар кенгайдики, у деярли барча соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида – тиббиёт эстетикаси, экология соҳасида – экологик эстетика, техникавий тараққиёт соҳасида – техника эстетикаси (дизайн) каби соҳаларнинг юзага келгани шулар жумласидандир.

2) Жамият маънавий ҳаётини юксалтириш ҳам эстетика фани олдида қатор вазифаларни кўймоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда одамларга, айниқса ёшларга "ҳузур-ҳаловат ва лаззат манбаи" сифатида тақдим этилаётган маълумотларнинг аксарияти ҳорижий оммавий-ахборот воситалари ҳамда Интернет тармоқларидаги турли хил сайтлар ҳисобига тўғри келмоқда.

3) Кейинги пайтларда фетишэстетика (енгил-елпи, ялтироқ эстетика), "оммавий маданият"нинг инсон маиший турмуши билан боғлиқ сайтлари шунчалик кўпайиб кетдики, улар ёшларнинг эстетик дидини пасайтиришга ва эстетик дунёқарашини тўпослаштиришга олиб келаётганлигини бугунги кунда гувоҳимиз. Талаба-ёшларга бу каби ғайриэстетик ғоялар ва кўринишларнинг салбий оқибатларини тушунтириб берадиган таълимий асосни мустаҳкамлашда эстетик тарбия кластери яқин кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

"Кластер" битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган фаолиятлар тизимини назарда тутди. Тарбия ҳам худди шундай концептуал асосга эга жараён бўлиб, тарбиянинг шакллари, кўринишлари, услублари ва воситалари турлича бўлса-да, мақсад шахсни баркамол қилишдан иборат.

Бундан ташқари, тарбия жараёнининг ўзига хослиги: а) аниқ мақсадга йўналтирилганлиги; б) ҳамкорликка асосланганлиги; в) таъсир этувчи омилларнинг кўплиги; г) узлуксиз жараён эканлиги билан белгиланади. Бу эстетик тарбияга ҳам хос хусусиятдир. Яъни, эстетик тарбия инсон маънавий камолотида муҳим ўрин тутувчи, нафақат муайян шахснинг хоҳиш-истагидан, балки жамият тараққиётининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқадиган зарурият.

Том маънодаги «эстетиклаштириш», яъни эстетик тарбия инсонни инсон қиладиган ҳодиса, - деб таъкидлайди Абдулла Шер - Эстетик тарбиянинг мақсади, муайян шахснинг эстетик кадриятларга муносабатини шакллантиришдан, унда ижодий фикрлаш, эстетик мушоҳада қилиш малакасини юксалтиришдан иборат. Эстетик тарбия доимо ахлоқийлик билан "келишиб" фаолият олиб боради, у туфайли одамлар ўзаро муносабатларнинг инсоний ва гўзал бўлишига эришадилар, нафосат ўзини намоён қиладиган санъат ва бошқа ижтимоий-маънавий соҳалардан завқлана билиш қобилиятини камолга етказадилар. Бундай жараёнларнинг ҳаммаси кўпдан кўп воситалар орқали амалга ошади. [2]

Шу боис эстетик тарбиянинг вазифаси фақат гўзалликни тушуниш, англаш ва баҳолашга ўргатиш эмас, эстетик тарбия илми ва дунёқарашини маданий-маърифий ҳаётга фаол тадбиқ этиш ҳамдир. Зеро, тарбиянинг эстетик шакли инсоннинг дидини ривожлантиришга, фаҳм-фаросатини такомиллаштиришга хизмат қилади. Такомиллаштириш жараёнини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш эстетик тарбия кластерининг қуйидаги компонентлари асосида амалга ошади:

- тайёргарлик;
- ташкиллаштириш;
- вазифалар тақсимооти;
- йўналтириш;
- ижро механизми;
- натижадорлик. [3]

Ушбу компонентлар талаба-ёшлар ўртасида маънавий маърифий ишларни ташкил этиш, ўтказиш, бошқариш ва мувофиқлаштиришни тизимли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Буни Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" таълим йўналишида эстетик дунёқарашни кластер асосида такомиллаштиришга қаратилган ишлар тажрибаси мисолида кузатиш мумкин. Бу жараён тўрт босқичдан амалга оширилади.

Биринчи босқич - эстетик муҳим яратиш жараёнига тайёргарлик кўриш ва ташкиллаштириш. Бу босқичда эстетик тарбиянинг ижтимоий ҳаёт ва меҳнат

билан бирлик принципига асосланган ҳолда ўқитувчи ва талабалар ўзаро ҳамкорликда тасвирий санъатнинг муайян йўналиши бўйича бирор бир асарни белгилайди ва уни яратишга тайёргарлик кўрадилар. Тайёргарлик кўргазма, биеналли ёки тақдимот кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Бу босқичда ҳар бир талаба белгиланган мавзу доирасида ўзининг ишланмаси билан иштирок этади.

Иккинчи босқич – вазифа (топширик)ларни бажаришга йўналтириш. Бу босқичда талабаларнинг эстетик тасавури ва дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ободонлаштириш, гўзаллаштириш ва бунёдкорлик каби эстетик муҳитни яратишга қаратилган вазифалар бўйича аниқ, мақсадли кўрсатмалар берилади.

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналишида кластер асосида амалга оширилган мазкур эстетик тарбия босқичи қуйидаги натижаларга эришиш имконини берди.

Биринчидан, ўқитувчилар билан талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида яратилган 27 та асардан иборат 3 та кўргазма институт ва Чирчиқ шаҳридаги ёшлар эътиборига ҳавола этилди. Бу ишланмалар кейинчалик Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этган фестивалда ҳамда Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институтида ўтказилган республика анжуманида намойиш қилинди. Бу ҳолат талабаларнинг истеъдодларини омма олдида очиқ намойиш қилиш кўникмасини шакллантириш имконини берди.

Иккинчидан, битта таълим муассасасида фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи мос таълим йўналишларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳудудда янги ва замонавий кўринишдаги эстетик муҳит – ландшафт дизайни, бино интерьерлари ва экстерьерлари бўйича амалий ишларни тақдим этди. Жумладан, ландшафт дизайни лойиҳалари мақсадли яъни, шакли институтнинг таълимий мазмунига мос тарзда яратилганлиги боис ҳудуднинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Учинчидан, яратилган ишланмалар ўқитувчи билан талаба ўртасида эстетик тарбия кластерига асосланган маънавий қадриятни мустаҳкамлади. Яъни, бир кун учун белгиланган вазифани шу куннинг ўзида бажаришга эришилди. Муҳим жиҳати шундаки, вазифани бажариш жараёнидан ҳеч ким (ўқитувчи, талаба) ўзини четга олмади, талаба ўзи истаган иш билан шуғулланганлиги сабабли унда ишдан зерикиш, чарчаш ва безор бўлиш кайфияти кузатилмади. Бундан ташқари, иш жараёни онгли тарзда тўғри тақсимланганлиги сабабли ҳамма ўз ишини англаган ҳолда амалга оширишга эришди.

Тарбия жараёнига кластерни жорий этиш бўйича амалга оширилган тажрибларда қуйидаги технологик мониторинг юзага келади:

Мақсад. Яъни, эстетик тарбия кластерининг мақсади – ижодкор ёшларда яратувчанлик ва гўзаллик туйғусини шакллантириш. Мақсадга эришиш - а)

яратиш учун – фикрлашга, яратадиганини тушунишга, меҳнатини англашга ва фойдасини кўришга ўргатиш; б) мутахассислик доирасидаги ўқув амалиётини мақсадли ташкил этиш; в) фойдали меҳнат билан мунтазам шуғулланиш учун шароит яратиш; д) педагогик, илмий, тарбиявий фаолиятдан зерикмаслик кўникмасини ҳосил қилиш; е) ўзи яратган нарсасидан завқ олиш ва меҳнатининг институт учун аҳамиятини ҳис қилиш.

Вазифалар – а) талабани иқтидорини намойиш этиши учун имконият яратиш; б) ўқитувчи билан талаба ўртасида соғлом маънавий муносабатни шакллантириш; в) бажарган ишидан ўзининг кўнгли тўқлигини таъмилаш кўникмасини мустаҳкамлаш; г) мутахассисликнинг таълимий асослари ҳақида дастлабки тасаввур ва кўникмани ҳосил қилиш.

Натижа – а) жараён ўқитувчи ва талабаларнинг ўзлари хоҳлаган, истаган ва иқтидори етадиган меҳнат фаолиятини танлаш имконини берди; б) жараёндан бирорта ўқитувчи ёки талаба четда турмади ва четда туришни хошлашмади; в) курслараро соғлом рақобат муҳити шаклланди; г) ишнинг натижаси ва якуни барчани бирдай қизиқтирди.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим талабага билимлар тайёр ҳолда берилмайди, унга билимларни манбаалардан мустақил олиш, ўзлаштириш, фикрлаш ва мустақил позицияда тура олишни ўргатади. Эстетик тарбия кластерининг асосий талаби ҳам шу. Яъни, эстетик тарбия кластерининг мақсади – дунёқараши, истеъдоди, иқтидори ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда талабаларда эстетик тафаккурини кенгайтириш, бадний тасаввурини бойитиш, дидини ривожлантириш орқали гўзалликни яратиш имкониятларини очишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] Прозерский В.В. Эстетические факторы объединения кластеров культурного ландшафта. // История, политология, социология, философия: теоретические и практические аспекты: сб. ст. по матер. IX междунар. науч.-практ. конф. № 4(6). – Новосибирск: СибАК, 2018. – С. 35-39.

[2] Абдулла Шер. Эстетика. Дарслик. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги матбаа-ижодий уйи. 2014. –Б. 327-328.

[3] Радеев А.Е. Кластерный подход к искусству: за и против. Вестник УДК 7.01 СПбГУ. Сер. 15. 2014. Вып. 1.

References

[1] Прозерский В.В. Эстетические факторы объединения кластеров культурного ландшафта. // История, политология, социология, философия:

теоретические и практические аспекты: сб. ст. по матер. IX междунар. науч.-
практ. конф. № 4(6). – Новосибирск: СибАК, 2018. – С. 35-39.

[2] Абдулла Шер. Эстетика. Дарслик. –Тошкент: Гафур Гулом номидаги
матбаа-ижодий уйи. 2014. –Б. 327-328.

[3] Радеев А.Е. Кластерный подход к искусству: за и против. Вестник УДК
7.01 СПбГУ. Сер. 15. 2014. Вып. 1.